

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАКИРОВА ФОТИМА АБДУЛАЗИЗОВНА

**ГЕРПЕТИК СТОМАТИТ ВА ЛАБ УЧУҒИНИ КЛИНИК КЕЧИШИ,
ДАВОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАКИРОВА ФОТИМА АБДУЛАЗИЗОВНА

**ГЕРПЕТИК СТОМАТИТ ВА ЛАБ УЧУГИНИ КЛИНИК КЕЧИШИ,
ДАВОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Шакирова Фотима Абдулазизовна

Герпетик стоматит ва лаб учуғини клиник кечиши, даволаш 3

Шакирова Фотима Абдулазизовна

Клиническое течение и лечение герпетического стоматита и герпеса губ... 19

Shakirova Fotima Abdulazizovna

Clinic and treatment of herpetic stomatitis and herpes of the lips 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works 40

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ph.781 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tdsi.uz) ва "Ziyouet" ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камиллов Хайдар Позиллович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Антонова Александра Анатольевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

(Россия Федерацияси)

Бекжанова Ольга Есеновна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ётавчи ташкилот:

Воронежский государственный медицинский университет имени Бурденко

(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти хузуридаги DSc 28.12.2017.11b.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» июль куни соат 12:00 даги мажлисида булиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103. Тел.: (+998 71) 230-20-65; факс: (+998 71) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103 уй. Тел.: (+998 71) 230-20-65.)

Диссертация автореферати 2021 йил «9» июль тарқатилди.
(20121 йил «9» июль даги 12 рақамли реестр баённомаси).



(Handwritten signatures in blue ink)

Н.Қ.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчилмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.И. Иршалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Герпетик инфекциялар тўғрисидаги маълумотлар етарли даражада учраб туради ва ушбу манбаларда оддий герпес вирусининг (ОГВ) табиати, юқиш йўллари, касаллик ташхиси ва даволаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Герпес ва герпетик стоматит оддий герпес вирусининг 1 ва 2-турлари томонидан чақирилади. Бемор организмнинг иммунологик ҳолати, аксарият ҳолларда иммунтанқислик ҳолатлари муҳим патогенетик аҳамиятга эга. Айни вақтда «...дунё бўйича ОГВ-1 касаллик келиб чиқишидаги аҳамияти ортиб бормоқда ва тарқалиш даражаси 50% ташкил қилмоқда. ОГВ-1 билан ассоцирланган герпес вирус инфекцияси кўпроқ қайталаниди ва 95% дан кўп ҳолларда ОГВ-1 билан инфидирланишни қайталаниши билан боғлиқдир...»¹ натижада турли аъзо ва тизимларда рўёбга чиқувчи турли иммун бузилишлар (инсулин, хайз цикли ва бошқа гормонал ўзгаришлар), ҳамда иситма, ўткир респиратор касалликлар ва бошқа омиллар таъсирида вирус фаоллашади. Герпетик стоматит кечиши ва асоратланиши ўрганилганда, «...булимга госпитализация қилинган беморлар ўртасида ЮЖС шикастланишлари мавжуд беморлар сони ортиб боради...»² бу ҳолатларда герпесни қайталаниши кузатилади, яъни оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва лаб юзасида янги везикуляр тошмалар пайдо бўлади.

Жаҳон миқёсида дунёдаги қатор илмий изланишлар оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳолатини ўрганишга қаратилган. Айни вақтда хорижий адабиётлар таҳлилини кўрсатишича, қатор текширув гуруҳлари беморларида турлича сабаблар келтирилган, шунинг учун ушбу ҳолатда касаликни даволаш ва олдини олиш масалалари етарлича ёритиб берилмаган. Бундан ташқари, қатор адабиётларда эътироф этилишича, интерферонларни антиоксидантлар ва иммуностимуляторлар билан комбинацияси қўлланилишининг даволаш самарадорлигини оширади. Миллионлаб болаларда герпес вирусининг латент шакли мавжуд ва исталган вақтда вирус фаоллашишига қодир, бу эса эндемик хавф туғдиради. Айни вақтда иммун тизим кучини сусайтирувчи омиллар устунлик қилади, масалан ОИТ-инфекцияси, гемобластоз, кимётерапия, гормонал терапия, иммундефицитга қарши дори воситалари билан даволаш шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳаси тизимини ривожлантириш юзасидан, жумладан, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, мазкур касаллик билан хасталанган беморларга малакали тиббий ёрдамни амалга ошириш бўйича кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрданинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик

¹Еленская Ю.Р. Герпетическая инфекция полости рта // Вестник ВГМУ, 2007, Том 6, №1.С 11

²Суеркулов Э.С. Клинико-лабораторные показатели комплексного лечения стоматитов у детей //Автореф. дис.... к.м.н.. -2020. -С.147.

усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самараси орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида стоматологик касалликлар асоратларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш юзасидан чуқурлаштирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш каби устивор йўналишларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётда орофациал герпеснинг эпидемиологик мезонлари қатор илмий ишларда ўрганилган. [Антонова М.И., 2005; Вилова К.Г., Боева О.К., Вилова Т.В 2012.]. Илмий адабиётларда муаллифлар асосан аралаш сўлак айрим иммуноглобулинлар даражасини ўрганиш билан мукозал иммунитет мувозанатини тавсифлаб берганлар. Бироқ, орофациал герпесда туғма антимикроб механизмларнинг ўзига хослиги етарлича ўрганилмаган. Бундан ташқари, оғиз бўшлиғида травматик омиллар мавжуд бўлганда орофациал соҳанинг герпетик инфекцияси бўлган беморларда туғма ва адаптив иммун механизмлар масаласи очиклигича қолмоқда.

Замонавий тиббиёт ва стоматология томонидан қўлланиладиган герпетик инфекциянинг этиотроп, патогенетик даволашга оид тадқиқотлар, хусусан, унинг етарли даражада самара бермаётганлигини кўрсатади [Елизарова В.М., Дроботько Л.Н., Страхова С.Ю., 2009; Liu Y., Wu Y., Shen X., Gao H., Li W., Shang S., 2017, Chi C.C., 2017]. Шу муносабат билан мазкур масалаларнинг туб ва амалий аҳамияти ўрганиш бўйича янги тадқиқотларни ўтказиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини асослаб берди.

Ўзбекистонда орофациал герпеснинг юқори қайталаниш даражаси ҳақида маълумот мавжуд. Орофациал соҳанинг герпетик инфекциясида оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитетининг иммунологик жиҳатлари ҳақида

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

маълумотлар келтирилган [Бекжанова О.Е., Ризаев Э.А. 2018; Камиллов Х.П., Камалова М.К. 2019; Даминова Ш.Б., Махсумова И.Ш. 2020.]. Мамлакатимизда стоматологик касалликларининг олдини олиш ва даволаш борасида эришилган ютуқларга қарамай, бу борада ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш усуллари тақомиллаштириш зарур.

Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган муаммо бўйича мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, турли стоматологик касалликларининг учраш даражасининг ошиши кузатилади. Шунга мувофиқ стоматологик касаллигининг камайтиришга қаратилган табақалаштирилган ҳар томонлама даволаш ва олдини олиш дастурларини ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади герпетик стоматит ва лаб учугини ташхислаш ва даволаш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оғиз бўшлиғида шикастловчи омиллар мавжуд беморларда герпетик стоматит ва лаб учугини клиник кечишини ўрганиш;

оғиз бўшлиғида шикастловчи омиллар мавжуд пациентларда герпетик стоматит ва лаб учугини глутин, ФДТ ва Рептин-плант биологик фаол қўшимчасини қўлланилишининг клиник самарадорлигини аниқлаш;

герпетик стоматит ва лаб учугини комплекс даволаш жараёнида ва даволашнинг узок муддатларида оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатинини, кариес интенсивлигини ва пародонт тўқималари ҳолатини таҳлили қилиш;

герпетик стоматит ва лаб учуги мавжуд беморларни комплекс даволашдан кейин сўлақдаги sIg A, Ig A, M, G синфларига мансуб антителолар динамикасини ўрганиш;

оғиз бўшлиғида шикастловчи омиллар мавжуд беморларда герпетик стоматит ва лаб учугини даволаш динамикасида альфа-дефензин HNP1 динамикасини текшириш;

оғиз бўшлиғида шикастловчи омиллар мавжуд беморларда герпетик стоматит ва лаб учуги билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 105 та шахс танлаб олинди, шундан 70 та бемор – герпес вирусли инфекцияли ва 35 та – анамнезда герпес вирусли касалликлар бўлмаган шахслар танлаб олиниб, улар назорат гуруҳини ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ОБШҚ оғиз суякциги, аралаш сўлақ ва қон зардоби текширув материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш мақсадида клиник-стоматологик, индексли, микробиологик, иммунологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оғиз бўшлиғида жойлашган шикастловчи кариоз қавак кирралари, сифатсиз пломба, қопламалар нуқсонлари, тиш тошлари каби омилларнинг

таъсири сурункали яширин ҳолатдаги герпетик стоматитни такрорланишдаги аҳамияти аниқланган;

илк маротаба герпетик стоматит касаллигида α -дефензин HNP-1ни даражаси вирусли инфекция миқдорига номутаносиблиги касалликни яширин даврини эрта башоратлашда, даволаш самарадорлиги кузатувида зарурий аҳамиятга эгаллиги исботланган;

паст интенсив лазер нурларини фотохимик таъсирлари орқали тўқимада ажралган сингалет кислороди маҳаллий имун тизими Ig A фаолашувида олиб келиши ва яллиғланиш жараёнлари баргараф этилишига асосланган;

герпетик стоматитни мажмуавий даволашда биоқўшимча ва ФДТ қўллаш самарадорлиги оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳоловчи индекслар КПИ, ПИ, ИК меъёрлашуви, касалликнинг оғирлик даражасини камайиши ва ремиссия даврини узайишига асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аралаш сўлак таркибида Ig A, Ig: A, M, G, α -дефензин HNP-1 миқдорларини аниқлаш, беморлар стоматологик статусини индексли баҳолаш, касаллик клиник манзарасини таҳлил қилиш билан оғиз бўшлиғида шикастловчи омиллар мавжуд сурункали герпетик стоматит ва лаб учуғи билан касалланган беморларда ташхислаш схемаси ишлаб чиқилган;

ташхислаш усулларини қўлланилиши герпетик стоматит ва лаб учуғини кечинини эрта башоратлаш, оғиз бўшлиғида мавжуд шикастловчи омилларни салбий таъсирларини олдини олишдаги аҳамияти аниқланган;

герпетик стоматит ва лаб учуғи билан касалланган беморларни вирусга қарши препарат, иммунорағбатловчи ва зарарсизлантирувчи, ФДТ ва биоқўшимча қўллаш билан комплекс даволаш схемаси ва самарадорлик мезонларини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларни олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, олинган статистик материалларнинг тиббий-статистик, клиник, микробиологик усулларга асосланилгани, беморларда комплекс даволаш натижаларини баҳолашда янгича ёндашув тизими натижалари хорижий ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққослангани, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, орофациал соҳа герпетик шикастланишларини ташхислаш ва даволаш бўйича комплекс дастур яратилиши ва ушбу тоифа беморларида касалликни олдини олиш бўйича ахборот базаси бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, даволаш-профилактика чораларини такомиллаш имкониятлари, оғиз бўшлиғида шикастловчи омиллар мавжудлигида герпетик стоматит ва лаб учуғи ноҳуш кечиш хавфини баҳолашда ташхисий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларни

тахлили билан асосланади. Бу, ўз навбатида, беморлар хаёт сифатини яхшиланиши билан изохланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Герпетик стоматит ва лаб учуғи мавжуд беморларда касалликни олдини олиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

аралаш сўлак таркибида $slg A$, $Ig: A, M, G$, α -дефензин HNP-1 миқдорларини аниқлаш, беморлар стоматологик статусини индексли баҳолаш бўйича олиб борилган илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган «Оғиз бўшлиғида шикастловчи омиллар мавжуд герпетик стоматит ва лаб учуғи билан касалланган беморларда мукозаль иммунитетни ташхислашнинг ноинвазив усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 8н-р/573-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома герпетик стоматит ва лаб учуғи билан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволашга янгича ёндошишга имконини берган;

герпетик стоматит ва лаб учуғи билан касалланган беморларни мажмуавий даволашда биоқўшимча ва ФДТ самарадорлиги асосида ишлаб чиқилган «Орофациал соҳа герпес вирусли инфекцияларини даволаш усулларини такомиллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8н-р/136-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома герпетик стоматит ва лаб учуғини даволаш усулларини такомиллаштиришга имкон берган;

герпес ва герпетик стоматитни ташхислаш ва даволашнинг ишлаб чиқилган усулларини соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, “4-стоматологик поликлиника” ОАЖ, ЎзР ССВ стоматологик поликлиникаси амалиётига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1 март 2021 йилдаги 8н-д/83-сонли хулосаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши касалликнинг давомийлигини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш, рецедив ва асоратларини келиб чиқиш эхтимolini камайтирди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметининг хусусиятлари, илм ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар, диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар шарҳи. Герпес, герпетик стоматит этиопатогенезига замонавий қарашлар. Даволаш ва профилактик чоралар» номли биринчи бобида адабиёт маълумотлар жидидий тахлили қилнган. Стоматология соҳасидаги маҳаллий ва хорижий олимлар илмий ютуқлари тахлили қилинган. Адабиётлар шарҳи касалликнинг тарқалиши, шакли ва симптоматикаси ўрганилган, ушбу касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини ўрганишга бағишланган, муаммонинг ўрганилмаган жихатлар аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи «Тадқиқот материали ва усуллари» бобида беморларни тадқиқотларга жалб ва истисно қилиш мезонлари, умумий текширилган беморлар тавсияи баён қилинган. Жами 105 та бемор текширилган бўлиб, шундан 70 – герпес вирусли инфекцияли ва 35 та анамнезда герпес вирусли инфекция бўлмаган беморлар бўлиб, улар назорат гуруҳини ташкил қилди. Тадқиқотларда 18-50 ёшдаги (ўртача ёш - 40,7±0,9) 50 та эркак ва 55 та аёл иштирок қилди

Текширувлар давомида Грин-Вермиллиона (1964) бўйича оғиз бўшлиғи гигиена индекси, КПУз индекс, милк қонашини ИК бўйича (БЖССТ, 1977), пародонталь индекс РІ (ПИ) (Russell A.L, 1956) индексларидан фойдаланилди.

Шикастловчи ва касаллик қайталанишига олиб келувчи омиллар мавжудлиги бутунлиги бузилган тишлар ўткир қирралари, сифатсиз пломбалар, сифатсиз ортопедик конструкциялар, тиш тошлари, тиш қаторлари аномалиялари, тишларни қимирлаши баҳоланди.

Оддий герпес вирусини идентификацияси учун ПЦР-ташхис усулидан фойдаланилди. Сўлақдаги sIgA миқдори Манчини бўйича радиал иммунодиффузия усулида, sIgA миқдорий аниқлаш учун қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил (ИФА) усулида «IgA секреторный ИФА-БЕСТ» йиғмасидан фойдаланиб амалга оширилди. Аралаш сўлақдаги α-дефензин концентрацияси нейтрофил дифензинларини аниқлашга мўлжалланган НВТНР 1-3 ELISA йиғмаси ёрдамида амалга оширилди.

Сурункали герпетик стоматит ва лаб учуғи билан касалланган беморларни даволашда тегинли тартиб, пархез, этиотроп препаратлар, симптоматик воситалар, иммунотерапия ва асоратлар юзага келганда посиндромал терапийи ўтказилди.

Асосий гуруҳдаги беморларда (енгил, ўртача ва оғир даражадаги) маҳаллий ва умумий даволаш ўтказилди. Маҳаллий даволашда қуйидагилар қўлланилди:

1. Элементларни оғрикисизлантириш учун Лидокаин-гель шикастланиш ўчоқларига аппликация кўринишида (7-10 кун);

2. Хлоргексидин биглюконат 0,05% эритмаси (1:1 нисбатда дистилланган сув билан), кунига 4-5 марта 5-7 кун давомида;

3. Шикастланиш лаб қизил хошияси, тери билан чегарадош бўлганда ва оғиз бўшлигида (лунж, тил, ОБШК) жойлашганда маҳаллий равишда ультрабинафга лазер нурлари билан нурлантириш, нурланиш вақти 15-20 дақиқа. Шикастланиш юзаси хажмига кўра давомийлиги 3-6 га тенг бўлди.

4. Оксолинли мазь 0,25% аппликация кўринишида, кунига 4-6 марта, 5-10 кун.

Асосий гуруҳ беморларида умумий даволашда қуйидагилар тавсия қилинди:

1. Вирус репликациясини сусайтириш учун вирусга қарши препарат Ацикловир - 600 мг (4 таб) кунига;

2. Иммуностимулятор ва детоксикант Глутион 600 мг N10 ампулада 4 мл дан в/и ёки м/о, капсула кўринишида кунига 2-3 марта; Рептин-плант биологик қўшимчаси 0,25 г (капсулы) овқатдан 5-10 дақиқа олдин;

Ўртача қийматлардаги фарқлар $p < 0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида бўлганда қийматлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди. Шу билан бирга, клиник ва лаборатор тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш бўйича мавжуд кўрсатмаларга риоя қилинди (Зайцев В.М. ва бошқ., 2003).

Диссертациянинг «Шахсий натижалар» учинчи бобида герпетик стоматит ва лаб учуғи билан касалланган беморларда касаллик клиник манзараси ретроспектив ва проспектив таҳлили, герпес вирусли инфекцияли беморларда даволашгача ва ундан кейинги субъектив ҳолатлари баҳоланди.

1 жадвал

Текширилган беморларда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати кўрсаткичлари

M+m Группа	ИГ-ГВ даволашгача	ИГ-ГВ даволашдан сўнг	p
Асосий (1)	4,4 \pm 0,3* ^δ	1,4 \pm 0,1** ^{δδ}	≤ 0,05
Таққослаш (2)	1,5 \pm 0,3*	1,3 \pm 0,2**	≥ 0,05
Назорат (3)	1,2 \pm 0,2	1,0 \pm 0,3	≥ 0,05

Изоҳ: * - $p \leq 0,05$; ** - $p \geq 0,05$ назорат гуруҳга нисбатан;

δ - $p \leq 0,05$; δδ - $p \geq 0,05$ таққослаш гуруҳига нисбатан.

Лаб учуғи ва сурункали герпетик стоматит билан оғриган беморларда оғиз гигиена кўрсаткичи сезиларли даражада паст эканлиги кузатилди. Асосий гуруҳда ИГ-ГВ индекс кўрсаткичи даволашгача 4,4 \pm 0,3 га тенг бўлди. Стоматологик даволашдан сўнг кўрсаткичлар ҳар бир гуруҳда дастлабки натижалардан фарқ қилди, лекин асосий гуруҳда фақат

даволашдан сўнг $1,4 \pm 0,1$ ($p \leq 0,05$), таққослаш гуруҳида эса $1,5 \pm 0,3$ ва $1,3 \pm 0,2$ назорат гуруҳида ($1,0 \pm 0,3$) натижалар қайд қилинди ($p \geq 0,05$).

2 жадвал

Текширилган беморларда ПИ кўрсаткичларини динамикаси

Группа \ М±m	ИГ-ГВ даволашгача	ИГ-ГВ даволашдан сўнг	p
Асосий (1)	$3,4 \pm 0,2^{*\delta}$	$1,9 \pm 0,2^{\delta}$	$\leq 0,01$
Таққослаш (2)	$1,5 \pm 0,3^*$	$0,9 \pm 0,4^*$	$\leq 0,01$
Назорат (3)	$0,6 \pm 0,2$	$0,3 \pm 0,1$	$\leq 0,05$

Изох: * - $p \leq 0,05$; ** - $p \geq 0,05$ назорат гуруҳга нисбатан;
 δ - $p \leq 0,05$; $\delta\delta$ - $p \geq 0,05$ таққослаш гуруҳига нисбатан.

Кариес жадаллиги индекси КПУз асосий гуруҳ (24.4+1.3) беморларда энг юқори натижалар қайд қилиниб, бу кўрсаткич таққослаш гуруҳ (11.5+0.8) ($p \leq 0,05$) ва назорат гуруҳи (8.0+0.5) га нисбатан анча юқори ($p \leq 0,05$) бўлди. Бу йил давомида беморлар тиш шифокори назлоратида бўлиб, оғиз бўшлиғида профилактик ишлар бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилгани билан боғлиқ.

Пародонтал индекс ПИ асосий гуруҳда $3,4 \pm 0,26$ бўлиб, даволанишдан олдин пародонт касалликларнинг ўртача оғирлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги ($0,6 \pm 0,2$) ва даволанишдан олдинги ($1,5 \pm 0,3$) таққослаш гуруҳидаги ($p \leq 0,05$) кўрсаткичдан сезиларли фарқ қилган. Таққослаш гуруҳида даволанишдан олдинги пародонтал индекс ҳам пародонт касалликларнинг ўртача оғирлигини ($1,5 \pm 0,3$) тавсифлади. Гуруҳда даволанишдан олдин ПИ индекси асосий гуруҳдаги кийматидан анча юқори ($p \leq 0,05$) бўлди. Асосий ва таққослаш гуруҳи стоматологик даволаш сўнг ПИ индекслари сезиларли даражада ($p \leq 0,01$) камайди ва $1,9 \pm 0,2$ (асосий) ва $0,9 \pm 0,4$ (таққослаш) ($p \leq 0,05$) ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида ПИ кийматлари даволашдан олдин ($0,6 + 0,2$) ва кейин ($0,3 \pm 0,1$) стоматологик даволаш кейин фарқланди ($p \leq 0,05$).

3 жадвал

Текширилган беморларда ИК кўрсаткичлари динамикаси

Группа \ М±m	ИГ-ГВ даволашгача	ИГ-ГВ даволашдан сўнг	p
Асосий (1)	$4,6 \pm 0,5^{\delta}$	$1,4 \pm 0,1^{*\delta}$	$\leq 0,05$
Таққослаш (2)	$2,5 \pm 0,4^*$	$0,8 \pm 0,3^{**}$	$\leq 0,05$
Назорат (3)	$0,7 \pm 0,3$	$0,3 \pm 0,1$	$\geq 0,05$

Изох: * - $p \leq 0,05$; ** - $p \geq 0,05$ назорат гуруҳга нисбатан;
 δ - $p \leq 0,05$; $\delta\delta$ - $p \geq 0,05$ таққослаш гуруҳига нисбатан.

Қон кетиш индексини аниқлашда даволашдан олдин асосий гуруҳ беморларидаги индекс $4,6 \pm 0,5$ ни ташкил этди, бу эса қон кетишнинг учинчи даражасига, таққослаш гуруҳидаги қон кетиш кўрсаткичидан сезиларли

даражада юқори бўлди (2.5+0,4) ва назорат гуруҳидаги кўрсаткич (0,7+0,3) га тўғри келади. Оғиз бўшлиғида даволаш-профилактика чоралари ўтказилгандан сўнг асосий гуруҳда (1.4+0.1) ($p \leq 0,05$) ва таққослаш гуруҳида (0,8+0,3) ($p \leq 0,050,05$) қон кетиш суръатлари сезиларли даражада пасайди. Назорат гуруҳида қон кетиш индексининг пасайиши (0.3+0.1) эса статистик ишонарсиз натижаларни кайд қилди.

Секретор sIgA оғиз тўқималарининг гигиеник ҳолати даражасини белгилайди, чунки тиш қараши ҳосил бўлиш тезлиги sIgA концентрацияси билан боғлиқ. Шу билан бирга, лаб учуғи ва сурункали герпетик стоматит билан оғриган беморларда иммунодефицит кайд этилади, шунинг учун асосий гуруҳ беморларида даволанишдан олдин сўлакдаги sIgA индекси 0.36+0,05 мг/мл оралиғида бўлди, бу эса 0.45+0,04 мг/мл га нисбатан анча паст ($p \leq 0,05$). Таққослаш гуруҳидаги ва назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p \leq 0,05$).

Оғиз снацияси ва герпесвирус инфекцияни даволаш сўнг, беморларнинг асосий гуруҳида (0.49+0.11 мг/мл) ва таққослаш гуруҳи (0.51+0.06 мг/мл) секретор иммуноглобулин А миқдори сезиларли даражада ошди ($p \leq 0,05$) бошланғич кўрсаткичлар билан солиштирилганда. Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги кўрсаткич (0,61+0,10 мг / мл) билан статистик жиҳатдан сезиларли фарқ ($p \leq 0,05$) га тенг бўлди. Асосий ва таққослаш гуруҳидаги беморларда сўлакнинг миқдори ўртасида сезиларли фарқ йўқ аниқланмади.

IgG, IgM и IgA миқдорлари бўйича гуморал иммунитет кўрсаткичлари ўрганилганда асосий гуруҳ беморларида сезиларли иммунтанқислик ҳолати аниқланди: IgA = 38,7 (22,6 – 51,9) мг/л, IgM = 0,7 (0,4 – 1,5) мг/л, IgG = 3,3 (2,2 – 4,1) мг/л. Назорат гуруҳи беморларида эса улар қуйидагича манзарани акс эттирди: IgA = 61,5 (48,2- 89,3) мг/л, IgM = 3,5 (2,1- 4,3) мг/л, IgG = 12,0 (9,0 – 23,1) мг/л. Таққослаш гуруҳида эса IgA = 41,5 (37,1 - 52,9) мг/л, IgM = 1,4 (0,7 - 2,6) мг/л, IgG = 8,0 (4,1 – 10,0) мг/л натижалар кузатилди.

Асосий гуруҳда даволашдан сўнг иммуноглобулинларнинг барча 3 та турлари бўйича сезиларсиз иммунтанқислик аниқланди - IgA = 58,9 (42,6 – 81,8) мг/л, IgM = 3,1 (1,8 – 4,0) мг/л, IgG = 9,3 (4,2 – 14,1) мг/л. Асосий гуруҳ беморларидаги сўлакдаги иммуноглобулинлар даражасини таққослаш ва назорат гуруҳи беморларидаги сўлакдаги иммуноглобулинлар даражаси кўрсаткичлари билан таққослаганда статистик жиҳатдан сезиларли фарқ аниқланди. Даволашдан кейин таққослаш гуруҳи беморларда аралаш сўлакдаги иммуноглобулинларнинг миқдорий кўрсаткичлари назорат гуруҳи билан статистик жиҳатдан сезиларли фарқ кузатилмади. Таққослаш гуруҳи текширилувчиларида эса кўрсаткичлар қуйидаги қўринишга эга бўлди: IgA = 59,4 (39,1 - 84,9) мг/л, IgM = 3,4 (2,0 - 4,2) мг/л, IgG = 11,9 (8,6 – 20,9) мг/л.

Дефензинлар (инглизчадан *defense* - ҳимоя) иммун тизимнинг катион оксиллари бўлиб, бактериялар, замбруғлар ва бошқа кобиқсиз вирусларга қарши қурашувчи 18-45 та аминокислотадан иборат. Натижалар шунини кўрсатадики, асосий (583.3 (538.9-611.8) пг/л) ва таққослаш (539.4 (511.0-

568.7) пг/л) назорат гуруҳларида (461.5 (429.1-491.1) пг/л) ўрганилаётган антимиқроб пептиднинг концентрацияси қийматларига нисбатан алфа-дефензинда сезиларли ўсиш кузатилади. Асосий ва таққослаш гуруҳидаги беморларда алфа-дефензин концентрациясининг қийматларида ҳам сезиларли фарқ мавжуд.

Даволанишдан сўнг, сезиларли, статистик жиҳатдан сезиларли пасайишни аниқлаш мумкин. Асосий гуруҳ (473.2 (437.9-512.6) пг/л) ва таққослаш гуруҳи (469.1 (432.1-511.5) пг/л) беморларда аралаш сўлак алфа-дефензин концентрациясининг пасайишига қарамай, бу кўрсаткичлар меъёр қийматларга етмади ва назорат гуруҳи (461.5 (429.1-491.1) пг/л) кўрсаткичлари билан сезиларли фарқланмади. Дастлаб оғиз шиллиқ қаватини шикастловчи омиллар бўлмаган беморларнинг таққослаш гуруҳида, беморлар сурункали герпесвирус инфекция оғирлигига кўра қуйидагича тақсимланди (сурункали қайталанувчи герпес, сурункали қайталанувчи герпетик стоматит): касалликнинг қайталаниши бир йилда бир марта кузатилган ва кам қайталанувчиз (енгил даража) 7 беморларда (20.0% гуруҳида); ўртача оғирликдаги 23 беморларда (65.7% гуруҳда доимий қайталанувчи (6.2%); гуруҳда.

Герпесвирус инфекцияси даволаш сўнг бемор шикоятлар бўйича узоқ муддатли натижаларига асосий гуруҳ беморларга ижобий таъсир кўрсатди, яъни, таққослаш гуруҳда шикоятлар асосий гуруҳда қараганда 8,5% юқори бўлди. Асосий гуруҳда узоқ муддатли ИГ-ГВ кўрсаткичлари (1.4+0.3) ва таққослаш гуруҳи (1.4+0.4) герпесвирус инфекция комплекс даволаш сўнг олинган кўрсаткичлар нисбатан, биров ўзгарди, лекин улар назорат гуруҳида кўрсаткичлар билан сезиларли фарқланди. 1.4+0.4 таққослаш гуруҳи ва стоматологик даволашдан сўнг асосий гуруҳ ва назорат ИГ-ГВ кўрсаткичларини таққослаганда, статистик ишонарсиз фарқларни намоён қилди.

Узоқ муддатларда КПУз индекси асосий гуруҳидаги беморларда (23.2+1.5) аниқланиб, бу кўрсаткич таққослаш гуруҳига (12.5+0.6) ва назорат гуруҳига (8.0+0.5) нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Таққослаш ва назорат гуруҳи беморларидаги КПУз кўрсаткичлари ўртасида ҳам сезиларли фарқ мавжуд бўлмади. Шундай қилиб, текширилган беморларнинг барча гуруҳларида узоқ муддатли даволаш даврида кариес интенсивлиги тасвирланган. Бу эса йил давомида беморлар тиш шифокори назорати остида бўлиб, оғиз бўшлиғининг профилактик ва санация ишлари ўз вақтида олиб борилгани билан боғлиқ.

Орофациал герпес оғиз санацияси ва даволаш сўнг узоқ муддатларда пародонтал индекснинг энг юқори кўрсаткич (1.8+0.3) ўртача оғирликдаги касаллик турида кузатилди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги (0.3+0.1) ва таққослаш гуруҳидаги (1.1+0.2) кўрсаткичдан сезиларли даражада фарқ қилди. Асосий гуруҳда даволашдан сўнг узоқ муддатли даврда ПИ индекси қийматлари ва комплекс даволашдан сўнгги кўрсаткичлари билан

солиштирганда таққослаш гуруҳига нисбатан ишонарли натижалар кузатлмади ($p \geq 0,05$).

Комплекс терапиядан кейин узоқ муддатларда беморларда қон кетиш индекси 1.3 ± 0.2 оралиғида бўлиб, бу қон кетишининг биринчи даражасига тўғри келади. Бу кўрсаткич солиштириш ($0,9 \pm 0.2$) таққослаш гуруҳида ($0,3 \pm 0.1$) қонаш индекси нисбатан юқори ($0,05$) ва назорат гуруҳи ($0,9 \pm 0.2$) нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Шундай қилиб, гуруҳлардаги узоқ муддатда барча стоматологик чораларидан сўнг милкларнинг қон кетиши 1-даражали қон кетиши деб баҳоланди. Мойиллик омилларини тўлиқ бартараф этилиши туфайли индекс нолга тушмади.

Узоқ муддатларда IgA таркибининг кўрсаткичларига кўра, асосий ва таққослаш гуруҳи беморларида биров маҳаллий гуморал иммунитет танқислиги кузатилди. Асосий гуруҳ беморларда сўлак IgA индекси $0,53 \pm 0,09$ мг / мл оралиғида бўлди, бу эса таққослаш гуруҳига нисбатан $0,55 \pm 0,05$ мг / мл ва назорат гуруҳига нисбатан $0,61 \pm 0,10$ мг / мл ишонарсиз кўрсаткичларга эга бўлди ($p \geq 0,05$). Таққослаш ва назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлди ($p \geq 0,05$). Оғиз санацияси ва герпесвирус инфекцияси даволаш сўнг узоқ муддатли даврда, беморларнинг асосий ва таққослаш гуруҳи секретор иммуноглобулин А микдори даволаш сўнг дарҳол кўрсаткичлар билан солиштирилганда юқорилигини кўриш мумкин.

IgA ($59,0 (41,8 - 84,3)$ мг/л) асосий ва таққослаш гуруҳларида ($58,9 (38,9 - 84,2)$ мг/л) назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли натижаларни кўрсатди ($p \leq 0,01$). Бироқ, узоқ муддатларда ўзаро (асосий ва таққослаш) фарқланмади.

Асосий гуруҳ беморларда аралаш сўлак IgM микдори даволашдан сўнгги кўрсаткич билан солиштирганда ишончсиз ($3,0 (1,6 - 4,1)$ мг/л) ўзгарди ва назорат гуруҳида кўрсаткич билан солиштирганда муҳим статистик фарқланмади ($p \geq 0,01$). Таққослаш гуруҳида ($3,3 (2,1 - 4,1)$ мг / л) назорат гуруҳидаги ва даволанишдан кейинги кўрсаткичга нисбатан бундай фарқ топилмади ($p \geq 0,01$). Асосий ва таққослаш гуруҳидаги IgM кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқ аниқланди ($p \leq 0,01$).

Асосий гуруҳ беморларида аралаш сўлакдаги IgG ($9,7 (4,3 - 15,5)$ мг/л) статистик жиҳатдан ишонарсиз тарзда биров ошган бўлсада, назорат гурпуе ($12,0 (9,0 - 23,1)$ мг/л) ва таққослаш ($11,4 (8,2 - 21,0)$ мг/л) гуруҳларига нисбатан ортиб борди. Таққослаш гуруҳида сўлакдаги IgG микдори даволашдан кейинги кўрсаткичларга нисбатан ишонарсиз тарзда ортди. Бу кўрсаткичга нисбатан таққослаш ва назорат гуруҳларига нисбатан ҳам статистик ишончли натижалар аниқланмади ($p \geq 0,01$).

Аралаш сўлакдаги алфа-дефензин HNP1 микдорининг асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи бўлган беморларда сезиларли фарқ кузатилмади. Шундай қилиб, герпесвирус инфекция ташувчилар бўлган беморларнинг аралаш сўлакдаги антимикроб пептид алфа-дефензин беморларнинг танасида шерлес вирус персистенциясини тасдиқлайди, даволаш сўнг узоқ муддатларда,

одатдагидан юқори концентрациялари учрайди. Ушбу патологияни даволаш унинг концентрациясини сезиларли даражада камайтиради, аммо уни метёб ҳолатга қайтармайди, шу жумладан узоқ муддатларда ҳам.

Лаб учуғи ва СГС билан касалланган беморларнинг узоқ муддатли даволаш натижалари биз асосий гуруҳ беморларда ФДТ + Рептин-плант комплекс даволашда юқори клиник таъсир қайд этилди. Комплекс даволанишдан сўнг, барча қайталаниш ҳолатлар ва ремиссияларнинг давомийлиги ҳисобга олинди ва қайд этилди. Шундай қилиб, 23 (79,9%) беморларнинг асосий гуруҳида эпителизация 5-7 кун ичида содир бўлди, кузатишлар 12 беморларда (20,0%) эпителизация 7-10 кун ичида содир бўлди ва шунинг учун асосий гуруҳда ремиссия давомийлиги 3-5 кунга узайтирилди. Асосий гуруҳдаги лабда учрайдиган герпес ва сурункали герпетик стоматитларнинг рецидивлари даволангандан кейин 1 (5,7%) ва таққослаш гуруҳидаги 2 (5,7%) беморларда 6 ойдан сўнг ҳам кузатилган.

Асосий гуруҳ беморларини комплекс даволаш лаб учуғи ва сурункали герпетик стоматит кечишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу дори глютион + ФДТ + Рептин-плант киритиш билан анъанавий даволаш комплекс олгандан сўнг энгил даражадаги беморларнинг сони, икки баробар ва 8 (22,8%) ва 4 (11,4%) беморни ташкил этди. Комплекс даволашдан сўнг касалликнинг ўртача о-ирликдаги шакли билан беморлар 2 нафарга ошди ва 27 (77,1%) ни ташкил этди. Комплекс даволашнинг узоқ муддатли натижалари шуни кўрсатдики, барча беморлар маҳаллий ва умумий комплекс терапия ва реабилитация тадбирларининг барча даволаш усулларини яхши ўтказдилар.

Детоксант глютион ва Рептин-плант биологик қўшимча билан бирга ишлатиладиган ФДТ даволаш ОБШҚ да регенератив жараёнларни стимуллади, интоксикация ва тўқималарнинг шишини бартараф этали, Егух туркумидаги илон биомассаси липид концентрати иммуносупрессив, умумқувваълантирувчи таъсири мавжудлигини эъмирроф этиш зарур.

4 жадвал

Асосий гуруҳдаги лаб учуғи ва СГС мавжуд беморларни даолаш самарадорлигини баҳолаш (трад.даво+ Рептин-плант+ ФДТ (n=35))

СГС шакли	Эффективность лечения								
	самарасиз		Кучсиз самара		Яхши самара		Юқори самара		Гуруҳдаги беморлар сони
Энгил	0	0	0	0	3	15,7%	16	84,2%	19
Ўртача	0	0	0	0	3	30,0%	7	70,0%	10
огир	0	0	1	16,6%	1	16,6%	4	66,7%	6
жами	0	0	1	2,8%	7	20,0%	27	77,1%	35

Шундай қилиб, ушбу 23 та беморда (77,9%) ремиссия даври 3-5 кунга узайди. “Яхши самара” 3 (15,7%) энгил шаклдаги беморларда, 3 (30%) ўртача

оғирликдаги беморларда ва оғир даражада 1 (16,6%) беморда кузатилди, жами гуруҳ бўйича (35) 7 (20,0%) беморда. Енгил шаклида эпителизация бошланиши 3 (15,7%) ва 3 (30%) ўртача оғирликда 10-12 кун рўй берди, оғир даражадаги 1 (16,6%) беморда эса 12-14 кунлари кузатилди.

«Кучсиз самара» касалликнинг оғир шакли мавжуд 1 та (16,6) беморда кузатилди, эпителизация 14-16 кунда юз берган бўлса, 6 ойдан сўнг касалликнинг фойталаниш рўй берди. «Самарасиз» баҳолаш асосий гуруҳнинг ҳеч бир иштирокчисида аниқланмади.

Солиштирилувчи гуруҳларда даволашдан сўнгги натижаларни кўрсатишича, таққослаш гуруҳида фақат енгил шаклдаги 1 беморда (4,7%), ўрта ва оғир даражадаги беморларда эса қайд этилмади - 0%. Таққослаш гуруҳида 11 та беморда "кучсиз самара" кўрсаткичи таққослаш гуруҳида (35) 31,4% га ошган, 10 (47,6%) беморда енгил шаклда, 1 (8,33%) ўртача шаклда ошган, оғир шаклда бу балл қайд этилмади (1-расм).



1 расм. Гуруҳларда даволаш самарадорлигини таққосий баҳолаш мезонлари

Асосий гуруҳ беморларда "кучсиз самара" ни баҳолаш касалликнинг оғир шакли бўлган 1 (16,6%) беморда кузатилади, бутун гуруҳда (35) 1 (2,8%) да кузатилди, бу эса таққослаш гуруҳига нисбатан 11,2 марта камдир. "Яхши самара" баҳолаш 20,0% асосий гуруҳда ва 42,8% таққослаш гуруҳи беморларида аниқланди. "Юқори самара" эса асосий гуруҳнинг 77,1% га тенг бўлди, бу таққослаш гуруҳида 22,5% камайди.

Асосий гуруҳда касалликнинг оғир шакли мавжуд беморларда даволаш самарали бўлмади. Асосий гуруҳ беморларида "юқори самара" кузатилиб, 77,1% ҳолатда аниқланди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 22,5% ташкил қилди.

ХУЛОСА

Тиббий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг "Лаб учуғи ва герпетик стоматитни клиник кечиши, даволаш" мавзусидаги илмий изланишлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Лаб учуги ва сурункали герпетик стоматит билан оғриган беморларда ОБШҚ ҳолатини ўрганиш натижасида аниқланишича, шикастловчи омиллар (кариоз бўшлиқлар, нокариес касалилқлар, пломба, қопламалар, протезлар нуқсонлари ва х.о.) лаб қизил ҳошиси, лаб ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қвати бутунлигига зарар етказди, натижада герпес вирусларни эпидермис чуқур қатламларига киришига шароит яратади.

2. Лаб учуги ва сурункали герпетик стоматитни дезинтоксанти глютион, ФДТ ва Рептин-плант биологик қўшимчасини биргалиқда қўллаш билан комплекс даволаш клиник самарадорлиги ОЮШҚ даги регенератив жараёнларни стимуллаш, интоксикация ва тўқима шишини камайтириши, Егуч туркумидаги илон биомассаси липид концентрати иммуносупрессив, умум қувватлантирувчи ва тонусни яхшиловчи таъсири билан белгиланади. Асосий гуруҳ беморларида касалликнинг оғир шаклида ижобий самара кузатилмади (0%). “Юқори самара” асосий гуруҳда 77,1%, таққослаш гуруҳида 22,5% тенг бўлди, яъни асосий гуру беморларида таққослаш гуруҳига нисбатан 3,4 марта самарали бўлди.

3. Лаб учуги ва сурункали герпетик стоматит билан касалланган беморларда даволашдан кейинги олис муддатларда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини ИГ-ГВ индексини баҳолаш, кариес интенсивлиги ва пародонт тўқималари ҳолати кўрсаткичларини тахлили шуни кўрсатдики, асосий (1,4±0,3) ва таққослаш (1,4±0,4) гуруҳлари беморларида ИГ-ГВ кўрсаткичида ишонарли натижалар кузатилмади, КПУз нинг энг юқори натижалари асосий гуруҳда (24,4±1,3) қайд этилиб, бу таққослаш гуруҳи (11,5±0,8) ва назорат гуруҳлари кўрсаткичларида (8,0±0,5) ишонарли равишда юқори бўлди.

4. Текширилган беморларда sIgA дастлабки натижаси 0,53±0,09 мг/мл га тенг бўлди, IgA кўрсаткичига нисбатан ҳам айна ўзгаришлар қайд этилиб, асосий ва таққослаш гуруҳ беморларида даволашдан кейинги натижалардан фарқ қилди.

5. Герпес вирус ташувчиси бўлган беморлар аралаш сўлагиди антимикроб пептид альфа-дефензин HNP1 даволашдан кейинги даврда ҳам меъёр кўрсаткичларидан юқорилиги аниқланди ва бу эса бемор организмда оддий герпес вируси персистенциясидан далолат беради. ушбу патологияни даволаш унинг миқдорини нисбатан камайишига олиб келади, бироқ даволашнинг узок муддатларида ҳам меъёр кўрсаткичларига тенглашмади.

6. Лаб учуги ва сурункали герпетик стоматит билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш, ҳамда оғиз бўшлиғини шикастловчи омилларни бартараф этиш схемаси яратилди. Шикастловчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш (терапевтик, ортопедик, хирургик усуллар билан), кариес интенсивлигини, индекс кўрсаткичларни аниқлаш (КПУз, ИГ-ГВ, ПИ, ИК), аралаш сўлакда sIg A, Ig A, M, G синфига мансуб иммуноглобулинлар антителоларини ҳамда дефензин HNP1 миқдорини аниқлаш ташхислашнинг асосини ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ШАКИРОВА ФОТИМА АБДУЛАЗИЗОВНА

**КЛИНИЧЕСКОЕ ТЕЧЕНИЕ, ЛЕЧЕНИЕ
ГЕРПЕТИЧЕСКОГО СТОМАТИТА И ГЕРПЕСА ГУБ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.1.PhD/Tib.781.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице (www.tdsi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу (www.ziyounet.uz).

Научный консультант:

Камилов Хайдар Позилович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Антонова Александра Анатольевна
доктор медицинских наук, профессор

Бекжанова Ольга Есеновна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Воронежский государственный медицинский университет имени Бурденко (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «23» июня 2021 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте. (Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103, Тел./факс: (+99871) 2302065; факс: (99871) 2304799; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № 92). Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103(Тел.: (+99871) 2302065).

Автореферат диссертации разослан «9» июня 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 92 от «9» июня 2021 года).



Н.К.Хайдаров
Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Л.Э. Хасанова
Научный секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.И. Ирсаиёв
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора ФИЛОСОФИИ (PHD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Инфекции герпеса хорошо доступны, с особым вниманием о природе вируса простого герпеса (ВПГ), путям передачи, а также диагностике и лечению. Герпес и герпетический стоматит вызываются вирусом герпеса 1 и 2 типа. Иммунологическое состояние организма пациента, в большинстве случаев иммунодефицитное состояние, имеет важное патогенетическое значение. В настоящее время «...значение ВПГ-1 в развитии болезни растет во всем мире, и его распространенность составляет 50%. Инфекция, вызванная вирусом герпеса, связанная с ВПГ-1, более распространена и связана с рецидивом инфекции ВПГ-1 более чем в 95% случаев...»¹ Вирус активируется острыми респираторными заболеваниями и другими факторами. При изучении течения и осложнений герпетического стоматита «количество пациентов с поражением ЧЛО увеличивается среди пациентов, госпитализированных в... палату...»². В этих случаях наблюдается рецидив герпеса, т.е. появляются новые везикулярные высыпания на слизистых оболочках рта и губ.

Ряд научных исследований по всему миру был посвящен состоянию полости рта. В то же время анализа зарубежной литературы выяснилось, что пациенты в ряде исследуемых групп имеют разные причины, поэтому в данном случае вопросы лечения и профилактики заболевания освещаются недостаточно. Кроме того, ряд исследований показал, что сочетание интерферонов с антиоксидантами и иммуностимуляторами увеличивает эффективность лечения. Миллионы детей имеют латентную форму вируса герпеса и могут реактивировать вирус в любое время, создавая эндемический риск. При этом преобладают факторы, ослабляющие силу иммунной системы, такие как ВИЧ-инфекция, гемобластоз, химиотерапия, гормональная терапия, лечение иммунодепрессантами.

Приняты масштабные меры по развитию медицинской системы страны, в том числе по снижению стоматологических заболеваний и их осложнений, а также по оказанию квалифицированной медицинской помощи пациентам с этим заболеванием., А также по формированию системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, поддержки и профилактики здорового образа жизни за счет эффективности патронажных служб и диспансеров ... »³. Эти задачи определяют приоритеты, такие как повышение уровня современных медицинских услуг по диагностике и лечению стоматологических осложнений среди населения, проведение углубленных исследований по использованию современных технологий при оказании качественных медицинских услуг.

¹Еленская Ю.Р. Герпетическая инфекция полости рта // Вестник ВГМУ, 2007, Том 6, №1.С 11

²Суркулов Э.С. Клинико-лабораторные показатели комплексного лечения стоматитов у детей //Автореф. дис... к.м.н., -2020. -С.147.

⁴Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабргаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан». », № ПП-3071 от 20 июня 2017 г. Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации Постановления « О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. » и другие правила, относящиеся к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В литературе эпидемиологические критерии ротоглоточного герпеса изучались в ряде научных исследований. [Антонова М.И., 2005; Вилова К.Г., Боева О.К., Вилова Т.В. 2012.]. В научной литературе авторы в основном описывают иммунный баланс слизистой оболочки, изучая уровни определенных иммуноглобулинов в смешанной слюне. Однако специфичность врожденных антимикробных механизмов при ротоглоточном герпесе изучена недостаточно. Кроме того, остается открытым вопрос о врожденных и адаптивных иммунных механизмах у пациентов с герпетической инфекцией ротоглотки при наличии травматических факторов в полости рта.

Исследования этиотропного, патогенетического лечения герпетической инфекции, применяемого современной медициной и стоматологией, в частности, показывают, что оно недостаточно эффективно [Елизарова В.М., Дроботко Л.Н., Страхова С.Ю., 2009; Лю Ю., Ву Ю., Шен Х., Гао Х., Ли В., Шан С., 2017, Чи К.С., 2017]. В связи с этим фундаментальная и практическая значимость данных вопросов обосновывала необходимость и целесообразность новых исследований по исследованию.

Имеются сообщения о частых рецидивах ротоглоточного герпеса в Узбекистане. Приведены данные об иммунологических аспектах местного иммунитета полости рта при герпетической инфекции ротоглотки [Бекжанова О.Е., Ризаев Е.А. 2018; Камилов Х.П., Камалова М.К. 2019; Даминова Ш.Б., Максумова И.Ш. 2020.]. Несмотря на достижения в профилактике и лечении стоматологических заболеваний в нашей стране, необходимо совершенствовать методы диагностики, лечения и профилактики.

Таким образом, анализ доступной литературы по рассматриваемой проблеме показывает, что наблюдается рост заболеваемости различными стоматологическими заболеваниями. Соответственно, одной из важнейших задач является разработка дифференцированных комплексных лечебно-профилактических программ, направленных на снижение стоматологической заболеваемости.

Цель научного исследования. Повышение эффективности диагностики и лечения герпетического стоматита и герпеса губ

Задачи исследования.

1. Изучение клинического течения герпетического стоматита и герпеса губ у пациентов с травматическими факторами в полости рта.

2. Определение клинической эффективности комплексного лечения герпетического стоматита и герпеса губ с включением препарата глутинон, ФДТ и биологической добавки Рептин-плант у пациентов с травматическими факторами в полости рта.

3. Анализ показателей индексной оценки гигиенического состояния полости рта, интенсивности кариеса и состояния тканей пародонта в процессе лечения и в отдаленные сроки после комплексного лечения герпетического стоматита и герпеса губ.

4. Изучение динамики антител в слюне, принадлежащих классу sIg A, Ig A, M, G до, после комплексного лечения и в отдаленные сроки у пациентов с герпетическим стоматитом и герпесом губ.

5. Исследование динамики альфа-дефензина HNP1 в процессе лечения и в отдаленные сроки после лечения герпетического стоматита и герпеса губ у пациентов с травматическими факторами в полости рта.

6. Разработка схемы диагностики и лечения пациентов с герпетическим стоматитом и герпесом губ с травматическими факторами в полости рта.

